Академияда навбатдаги диссертация иши ҳимояси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 5 ноябрдаги мажлисида **Халилов Шоҳруҳ Мирзо Боймурод ўғлининг** “12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси” ихтисослиги бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун **“Терговчининг процессуал мақомини такомиллаштириш масалалари”** мавзусидаги диссертация иши ҳимояси ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади терговчининг процессуал мақомини такомиллаштиришга доир илғор назарий ғоялар, янги илмий таърифлар, ҳар томонлама қиёсланган таклиф ва тавсиялар, асосланган илмий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини терговчининг процессуал мақоми, унинг ваколатларини амалга ошириши ҳамда прокурор, тергов органи раҳбари ва суд билан ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида терговчининг процессуал мақомини тартибга солишга оид илмий қарашлар ва ғоялар, жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда терговчи фаолиятига оид қонуности ҳужжатлар, уларни ҳуқуқий қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси ҳамда юридик адабиётлардаги назарий-концептуал ёндашувларни ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговчининг гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан жиноий таъқибни амалга ошириш билан бирга иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш, шахснинг айбини тасдиқловчи далиллар билан бир қаторда уни оқловчи, жавобгарлигини истисно қилувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш учун зарур чораларни кўриш мажбурияти унинг ваколатларини белгиловчи нормада мустаҳкамланиши асослантирилган;

Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолларда терговчидан асосий процессуал қарорларни прокурор, тергов органи раҳбари ёки бошқа мансабдор шахс билан келишишни талаб қилиш, шунингдек уни текширилган далиллар асосида шаклланган ички ишончига зид процессуал қарор қабул қилишга мажбурлаш тақиқланиши асослантирилган;

жиноят ишлари терговчилар ўртасида автоматлаштирилган ахборот тизимида объектив мезонлар асосида тақсимланиши, жиноят ишини бир терговчидан бошқасига ўтказишга фақат қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда, аниқ фактик ва ҳуқуқий асослар кўрсатилган қарор билан йўл қўйилиши, терговчини иш юритишдан

четлатиш эса Кодекс талаблари жиддий ёхуд такроран бузилганда асослантирилган қарор қабул қилиш орқали амалга оширилиши асослантирилган;

тергов органи раҳбари дастлабки тергов фаолияти устидан процессуал раҳбарлик ва назоратни амалга оширувчи мансабдор шахс сифатида таърифланиши, “юқори турувчи тергов органи раҳбари” тушунчаси киритилиши, раҳбарнинг терговчига далилларга баҳо бериш, жиноятнинг ҳуқуқий тавсифи, айбловнинг ҳажми ва иш якуни юзасидан аниқ натижага эришиш ҳақида кўрсатма бериши тақиқланиши ҳамда у жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қонунга хилоф ёки асоссиз қарорни аниқлаганда асослантирилган процессуал хулоса тузиб, уни прокурорга киритиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноий таъқиб тушунчаси ва уни амалга оширувчи субъектларни белгиловчи Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 34^1-моддаси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

терговчининг процессуал мустақиллиги кафолатларини белгиловчи ЖПКнинг 36^1-моддаси лойиҳаси ҳамда прокурор кўрсатмасига эътирозни кўриб чиқиш муддати ва тартибига оид таклифлар ишлаб чиқилган;

терговчи ва тергов органи раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатишнинг махсус тартибини белгиловчи ЖПКнинг 591^1-моддаси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

терговчининг процессуал мустақиллиги кафолатларига риоя этилиши тўғрисидаги мурожаатни тергов судьяси томонидан кўриб чиқиш тартибини белгиловчи ЖПКнинг 358^1-моддаси лойиҳаси ҳамда 31^1-моддани тўлдиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

терговчи фаолиятини баҳолашнинг натижа-нейтрал модели асосида идоравий баҳолаш мезонларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

жиноят ишларини автоматлаштирилган тарзда тақсимлаш тартибини белгиловчи Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда терговчининг процессуал фаолияти билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишга оид Олий суд Пленуми тушунтиришлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тергов органи раҳбарининг процессуал кўрсатмаларини электрон қайд карточкасида расмийлаштириш механизми ишлаб чиқилган.